

УДК

## ТОВАРЛАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ОЛИБ ЎТИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

*Дусматова Ойсуда Восилжон қизи*

*Андижон машинасозлик инсититути, Метрология, стандартлаштириши  
ва маҳсулот сифати менежменти йўналиши, 4-босқич талабаси.*

*Эсанова Шазода Мамировна*

*Андижон машинасозлик инсититути, Метрология, стандартлаштириши  
ва маҳсулот сифати менежменти кафедраси доценти, илмий раҳбари*

### Аннотация

Бугунги кунда юртимизда экспорт ва импорт товарларига бўлган талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Бунинг учун божхонада маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқишида Ўзбекистон Республикаси божхона тўғрисидаги қонуний ҳужжатлар ҳамда халқаро шартномаларида кўзда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Юртимизда ва бошқа мамлакатларда ҳам божхона қатъий назоратда бўлади ва қонун билан ҳимояланади, бу қонунларни бузмаган ҳолда ўз фаолиятини олиб бориш учун божхонадаги товарларни олиб ўтиш ёки олиб кириш талаблари божхона томонидан белгиланган қонуний ҳужжатлар асосида олиб бориш процедуралари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** божхона режими, божхона тартиб-тамойили, декларациялаш, товар туркуми, товарни чиқарib юбориш.

### Abstract

Today, the demand for export and import goods in our country is increasing day by day. For this purpose, import and export of products at customs shall be carried out on the basis of the rules of the international agreement, if different rules are established than those stipulated in the legal documents on customs of the Republic of Uzbekistan and international agreements.

In the international agreement of the Republic of Uzbekistan, the customs of the Republic of Uzbekistan in our country and in other countries are under strict control and protected by law, in order to carry out their activities without violating these laws, the procedures for the transportation or import of goods at the customs are considered based on the legal documents established by the customs.

**Key words:** customs regime, customs procedure, declaration, category of goods, export of goods.

### Абстрактный

Сегодня спрос на экспортные и импортные товары в нашей стране увеличивается день ото дня. С этой целью ввоз и вывоз продукции на таможне осуществляется на основании правил международного договора, если


установлены иные правила, чем те, которые предусмотрены нормативными правовыми актами о таможенном деле Республики Узбекистан и международными договорами.

В международном договоре Республики Узбекистан таможенные органы Республики Узбекистан в нашей стране и в других странах находятся под строгим контролем и охраняются законом, в целях осуществления своей деятельности без нарушения этих законов установлен порядок перевозки или ввоз товаров на таможню рассматриваются на основании правоустанавливающих документов, установленных таможней.

**Ключевые слова:** таможенный режим, таможенная процедура, декларирование, категория товаров, экспорт товаров.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, божхона тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш, шунингдек божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш тартибини белгилаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси орқали амалга оширилади.

Товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини бевосита божхона чегараси орқали олиб ўтишга қаратилган ҳаракатларга қўйидагилар киради:



Товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона ҳудудига олиб кириш шартлари Кодексда назарда тутилган кейинги барча ҳаракатларни улар божхона органлари томонидан чиқариб юборилгунинг қадар амалга оширишдан иборат.

Товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилаётганда ташувчи уларни тайинланган божхона органи жойлашган ерга ёки бошқа жойга белгиланган муддатларда етказиб бериши шарт. Бунда товарларнинг ҳолатини ўзгартиришга ёки уларнинг ўровини бузишга, шунингдек қўйилган пломбаларга, муҳрларга ва божхона идентификатсиясининг бошқа воситаларига шикаст етказилишига йўл қўйилмайди.

Товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилаётганда тақдим этиладиган ҳужжатлар ташувчи божхона органига қўйидагиларни тақдим этиши шарт:

Ташшувчи божхона	Тақдим этиладиган ҳужжатлар
1) автотранспорт воситасида халқаро ташиш чогида	<p>а) йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенсияга (Вена, 1968 йил 8 ноябр) мувофиқ автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;</p> <p>б) юклар халқаро йўлларда ташиш (бундан буён матнда ХЙТ деб юритилади) дафтарчасини қўллаган ҳолда ташилган тақдирда, ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенсияси (Женева, 1975 йил 14 ноябр) талабларига мувофиқ автотранспорт воситасига юкларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида халқаро ташишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда чет эл автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, ҳудудидан чиқиши ва транзит тарзида ўтиши учун ваколатли органнинг рухсатномаси;</p>
2) сув транспортида халқаро ташиш чогида:	<p>умумий декларация; товарларнинг декларацияси; кема ашё-анжомлари тўғрисидаги декларация;</p> <p>кема экипажининг шахсий буюмлари тўғрисидаги декларация;</p> <p>кема хизматчиларининг рўйхати;</p> <p>йўловчилар рўйхати; транспорт ҳужжатлари; тижорат ҳужжатлари;</p> <p>халқаро почта жўнатмаларини кузатиб бориш учун Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар;</p>
3) ҳаво транспортида	<p>а) Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенсияга (Чикаго, 1944 йил 7 декабр) мувофиқ қўйидаги ҳужжатларни:</p>

халқаро ташиш чоғида:	<p>бош декларация; юк қайдномаси; авиа юк хати; авиа юк хатига илова қилинадиган тижорат ҳужжатлари.</p> <p>б) ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган ҳужжатларда кўрсатилиши керак бўлган қуийдаги маълумотларни:</p> <p>ҳаво кемасининг миллий мансублиги белгиларини ва рўйхатдан ўтказилганлик белгиларини кўрсатиш; ҳаво кемасининг рейс рақами, парвоз йўналишини, учиш пунктини, етиб бориш пунктини кўрсатиш; ҳаво кемаси эксплуатантининг номи; экипаж аъзоларининг сони;</p>
-----------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилаётганда божхона органи ушбу моддада назарда тутилганидан бошқа ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилишга ҳақли эмас.

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари божхона назоратидан ҳамда божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши керак. Божхона назорати Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш учун божхона органлари томонидан амалга ошириладиган, шу жумладан хавфни бошқариш тизими қўлланилган ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидан иборатdir.

Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ўтказиладиган божхона операциялари мажмуи божхона расмийлаштируви хисобланади. Божхона назорати ва божхона расмийлаштируви амалга оширилаётганда божхона органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган тақиқлар ва чекловларни белгилашга ҳақли эмас.

### Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг белгиланган моддаларида божхона органларининг божхона назоратини ўтказишида ёрдам кўрсатиш учун мутахассислар, экспертларни жалб этиш ва бошқа органлар, ташкилотлар билан ўзаро хамкорлик қилиш, божхона назорати остида турган товарлардан экспертиза қилиш учун намуналар ва нусхалар олиш ҳамда экспертиза тайинлаш, божхона ишининг масалалари юзасидан дастлабки қарор қабул қилишлари ҳақида атрофлича асослаб берилган.

Товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида пайдо бўлган муаммоларни ҳал этишида, ташқи иқтисодий фаолияти давомида товарлар номенклатуроси бўйича код рақамларини аниқлашда, товарлар тuri ва таркибини аниқлаш каби вазифаларни аниқ ифодалаб беришда, божхона тизимида божхона экспертизасини амалга оширишни жараёнли ва тизимли ёндашув асосидаги процедураларин мукаммал ишлаб чиқиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон республикасининг божхона кодекси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ-400-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.:“Маънавият”, 2008 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997 й.-95 б.
4. “Ўсимликлар карантини тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган 113-1 сонли қонуни.
5. “Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 январдаги 353-И сонли қонуни.
6. “Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 221-И қонуни.
7. «Давлат божхона хизмати тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги 472-И қонуни.
8. «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 483-И сонли қонуни.